
7-январь куни “Аёллар дафтари”нинг 6-босқичига старт берилди

"Аёллар дафтари" билан ишлаш тизимининг 6-босқичини ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича 2025 йил 6 январидан бошлаб 31 январига қадар хонадонма-хонадон юриш орқали хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ишлари ташкил этилади.

"Конизар" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган семинарда маҳалла еттилиги вакилларига бу босқичда бажарилиши лозим бўлган ишлар юзасидан масъуллар батафсил тушунчалар берди.

- Туманимизнинг барча маҳаллаларида хотин-қизларнинг муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш учун маҳаллалардаги ишчи гуруҳлар томонидан ҳар бир маҳаллада хатлов жараёнлари бошланган – дейди туман ҳокимининг ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Т.Тожиева.

2025-01-09 18:41:12